



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «14» июль

VI-31-45-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 апрелдаги ПҚ-2332-сон қарори асосида амалга оширилаётган Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси доирасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида пудратчи корхоналарга зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан 11,0 млн. долларни лойиҳа доирасидаги объектга қўшимча жалб қилиш тўғрисида

Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси доирасининг мақсади ва ундан кутилаётган натижалар, лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар ҳамда лойиҳани амалга оширишда юзага келаётган муаммолар, шунингдек, объектларга иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан 11,0 млн. долларни қўшимча жалб қилиш юзасидан “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Т.Алимовнинг берган ҳисоботи ва билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси доирасининг мақсади ва ундан кутилаётган натижалар, лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар ҳамда лойиҳани амалга оширишда юзага келаётган муаммолар, шунингдек, объектларга иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан 11,0 млн. долларни қўшимча жалб қилиш юзасидан “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Т.Алимовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси доирасидаги объектларнинг техник иқтисодий асосланмасида кўрсатилган самарадорликларга эришишни таъминлаш мақсадида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан 11,0 млн. долларни объектларга қўшимча жалб қилинишини белгиланган тартибда ҳал этиш бўйича

зарурий барча чораларни кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов), “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Т.Алимов), халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлари билан биргаликда лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан кўшимча ажратиладиган маблағлар ва уларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатсин ҳамда ваколатлари доирасида кўмаклашсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов) ва “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Т.Алимов)га:

10 кун муддатда тегишли туманлар ҳокимликлари билан биргаликда пудратчи корхоналарга иш fronti яратиб бериш мақсадида лойиҳа таркибидаги каналлар (Ўнг қирғоқ, Тўпаланг-Қоратоғ, Ҳазарбоғ ва Оққапчиғай)да кўпроқ муддатларга сувни тўхтатишни назарда тутувчи янгидан сув бериш графигини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва тасдиқланган график асосида сувни тўхтатишни қатъий таъминлаш;

жорий йил 10 августидан бошлаб Ҳазарбоғ канали сувини Тўпаланг-Қоратоғ каналига ташлаш орқали Ҳазарбоғ каналининг ПК173+80 дан ПК206+00 гача бўлган (3,2 км) қисмида белгиланган қурилиш ишларини ташкил этиш учун шароит яратиш;

жорий йил 1 августидан бошлаб Ҳазарбоғ канали сувини каналнинг ПК213+00 қисмидаги иншоот орқали Тўпаланг-Қоратоғ каналига ташлаб, Ҳазарбоғ каналининг ПК213+00 дан ПК228+93 гача бўлган (1,6 км) қисмида белгиланган қурилиш ишларини ташкил этиш учун шароит яратиш вазифалари юклатилсин.

5. Денов тумани ҳокимлиги (Р.Пардаев) лойиҳа доирасидаги 1-пакет “Ўнг қирғоқ ва Тўпаланг-Қоратоғ каналларини қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “Ariana Tunnel Dam.Co” компанияси (Эрон)га объект таркибидаги Тўпаланг-Қоратоғ каналида сув бўлган вақтда ҳам қурилиш ишларини ташкил этиш имкониятини яратиш мақсадида каналнинг айланма ўзан (обводной русла) қазил мумкин бўлган жойлари (лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, сув хўжалиги эксплуатация ташкилоти таклифига кўра) учун вақтинчалик муддатга ер ажратиб беришни таъминласин.

6. Олтинсой тумани ҳокимлиги (А.Джумаев)га:

лойиҳа доирасидаги 2-пакет 2-лот “Ҳазарбоғ каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “2-сон МКК” МЧЖга объект таркибидаги Ҳазарбоғ каналининг туман ҳудудидан ўтган қисмида ҳамда 3-пакет 1-лот “Оққапчиғай каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “Турон Мега строй” МЧЖга объект таркибидаги Оққапчиғай каналининг туман ҳудудидан ўтган қисмида каналларда сув бўлган вақтда ҳам қурилиш ишларини ташкил этиш имкониятини яратиш мақсадида каналларнинг айланма ўзан (обводной русла) қазил мумкин бўлган жойлари (лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, сув хўжалиги эксплуатация ташкилоти таклифига кўра) учун вақтинчалик муддатга қонунда белгиланган тартибда ер ажратиб

беришни таъминлаш;

15 кун муддатда вилоят Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (Ж.Қиличев) билан биргаликда 2-paket 2-лот “Ҳазарбоғ каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “2-сон МКК” МЧЖнинг Олтинсой тумани “Ипоқ” маҳалласи худудидан жойлашган қурилиш базасига қурилиш материалларини ташишда фойдаланиш учун оғир юк ташувчи транспорт воситалари ҳаракатига мўлжалланган талаб даражасидаги йўл ажратилишини ҳал этиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари, Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (Ж.Усмонов) билан биргаликда лойиҳа доирасидаги 2-paket 2-лот “Ҳазарбоғ каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти таркибидаги Ҳазарбоғ каналида сув бўлган вақтда ҳам қурилиш ишларини ташкил этиш имкониятини яратиш мақсадида, каналнинг туман худудидан ўтувчи ПК453+82 дан ПК461+50 гача бўлган қисми ўзани (трасса)ни ўзгартириш учун Ҳазарбоғ каналининг Олтинсой тумани “Гулобод” ва “Шохча” маҳаллалари худудидан ўтган қисмидан каналнинг ўзгартирилиши режалаштирилган янги йўналиши (трассаси) учун суғориладиган ер майдонларидан 2,2 гектар ажратилишини таъминласин.

7. Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) лойиҳа доирасидаги 3-paket 1-лот “Оққапчиғай каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “Турон Мега строй” МЧЖга объект таркибидаги Оққапчиғай каналининг туман худудидан ўтган қисмида каналда сув бўлган вақтда ҳам қурилиш ишларини ташкил этиш имкониятини яратиш мақсадида каналларнинг айланма ўзан (обводной русла) қазиш мумкин бўлган жойлари (лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, сув хўжалиги эксплуатация ташкилоти таклифига кўра) учун вақтинчалик муддатга қонунда белгиланган тартибда ер ажратиб беришни таъминлаш топширилсин.

8. Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) лойиҳа доирасидаги 3-paket 2-лот “Оққапчиғай каналини иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича бош пудратчи “2-сон МКК” МЧЖга объект таркибидаги Оққапчиғай каналининг туман худудидан ўтган қисмида каналда сув бўлган вақтда ҳам қурилиш ишларини ташкил этиш имкониятини яратиш мақсадида каналларнинг айланма ўзан (обводной русла) қазиш мумкин бўлган жойлари (лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, сув хўжалиги эксплуатация ташкилоти таклифига кўра) учун вақтинчалик муддатга қонунда белгиланган тартибда ер ажратиб беришни таъминласин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Хидиров), Сурхондарё вилояти электр тармоқлари корхонаси (М.Шамситдинов), “Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиали директори (М.Мансуров), Сарносиё, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон, Бандихон туманлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** лойиҳа доирасидаги каналларнинг қирғоқбўйи минтақасида жойлашган қурилиш ишларига ҳалақит қиладиган қурилмаларни (ичимлик суви, газ, электр тармоқлари, трансформатор, насос агрегатлари ва бошқалар) кўриб чиқиб, қурилишга ҳалақит қилмайдиган бошқа жойга кўчиришни тўлиқ яқунласин.

10. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари У.Туропов, “Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Т.Алимов, Бандихон (Ў.Чориев), Денов (Р.Пардаев), Қумқўрғон (Р.Гаппаров), Олтинсой (А.Джумаев), Сариосиё (А.Хўжакулов) ҳамда Шўрчи (Б.Худойбергандов) туман ҳокимликлари лойиҳа доирасидаги қурилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида “Ҳазарбоғ-Оққопчиғай” каналларига боғлиқ 2021 йил ҳосили учун етиштириладиган кузги бошоқли дон экинларини 2021 йил 10 ноябрга қадар экиб, биринчи суғориш ишларини тўлиқ яқунланишини таъминласин.

11. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари У.Туроповга Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси бўйича қурилиш штаби ташкил қилсин ҳамда қурилиш ишларини жадаллаштириш ва юзага келган муаммоли масалаларни бартараф этиш мақсадида ойига икки марта жойида муҳокама қилиб борсин ва ижроси юзасидан ҳар ойда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Т.Мамараимов) зиммасига юклатилсин.

13. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.